

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ЛАТИПОВ ШАҲБОЗ АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**БОҒЛАНМАГАН ГРУНТЛИ КАНАЛЛАРДА КРИТИК ТЕЗЛИКЛАР  
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Латипов Шахбоз Алишер ўғли**

Боғланмаган грунти каналларда критик тезликлар хисобини такомиллаштириш.....	3
---	---

**Латипов Шахбоз Алишер угли**

Усовершенствование расчета критических скоростей каналов в несвязных грунтах.....	23
--	----

**Latipov Shakhboz Alisher ugli**

Improving the calculation of the critical speeds of channels in incoherent soils.....	41
--	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works.....	45
---	----

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ЛАТИПОВ ШАҲБОЗ АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**БОГЛАНМАГАН ГРУНТЛИ КАНАЛЛАРДА КРИТИК ТЕЗЛИКЛАР  
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/T1688 рақам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Қарши мухандислик-иктиносидёт институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифада ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаida ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшев Собир Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Илхомжон Эрнатарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Шаазизов Фарруҳ Шоакбарович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура-курилиш институти**

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019 Т 10 02 рақами илмий кенгашининг «8 йилдан 21 й соат 16:00 даги мажлисida бўлиб ўтади. Манзил 100000, Тошкент ш., Кори Ниёзий кўчаси, 39 уй, Тел: (+99871)-237-19-61, 237-22-09, факс (+99871) 237-54-79 e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (153 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Кори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (+99871) 237-19-45. e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил 25 йилдан 12 даги № 1688 рақамни реестр баённомаси )



**Т.З.Султанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**Д.Р.Базаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш хузуридаги Илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда турли иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш учун дарё гидроузелларидан олинадиган сувнинг сифатини баҳолайдиган мезонлардан бири, каналларда чўқадиган дарё оқизиқларининг миқдори ҳисобланади. Кўриладиган мазкур муаммога оид кўп сонли илмий манбалари бўлишига қарамасдан, ҳозирги вақтда оқизиқларнинг очиқ ўзанлардаги ҳаракати, уларнинг кинематик ва динамик параметрларини тадқиқот масаласига катта аҳамият берилмоқда. Қопламасиз лойиҳаланиладиган ва эксплуатация қилинадиган каналларда оқимнинг ювмайдиган тезликлари ва оқизиқлар сарфини аниқлашнинг ҳисоб усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, АҚШ, Германия, Нидерландия, Франция, Россия, Хитой, Узбекистан ва бошқа мамлакатларда кўндаланг ва бўйлама деформацияларга олиб келувчи турли омилларни ҳисобга олган ҳолда грунтли каналларни лойиҳалаш, қуриш ва ишончли эксплуатация қилиш учун самарали ҳисоб усулларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда грунтли каналардаги деформациялар ва бу салбий оқибатларнинг олдини олишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, бугунги куннинг муаммоли масалалардан бири бўлиб, деформацияланадиган каналлардаги сув оқимининг транспорт қилиш қобилиятини оширишнинг технологияларини ва янги усулларини ишлаб чиқиш, ўзан деформациясига таъсир қиладиган турли омилларни ҳисобга олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозир республикада грунтли ирригация каналларини лойиҳалаш ва самарали эксплуатациясини таъминлашга доир кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сув ресурслари тақчиллиги даврида грунтли ирригация тизимларининг гидротехника иншоотларини ишлашида рўй берадиган шикастланиш, ишдан чиқиш ва аварияларни шунингдек, деформацион-кучланишли ҳолатларни ҳисобга олиб лойиҳалаш ва фойдаланишининг самарали услубларини ишлаб чиқишига қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада

<sup>1</sup> 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405 сонли “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 13-сон “2014-2015 йилларда ва истиқболда 2020 йилгача сувларни Ўзбекистон Республикаси сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-мухит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Очиқ сув ўзанларида содир бўладиган деформацион жараёнлар тадқиқотларига оид қатор олимлар томонидан изланишлар олиб борилган. Ўзан жараёнларининг назарий ва экспериментал тадқиқотлари билан С.Х.Абалъянц, С.Т.Алтунин, И.И.Леви, М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, И.В.Егизаров, И.Ф.Карасев, В.М.Маккавеев, Г.И.Шамов, А.Н.Гостунский, Н.А.Ржаницын, Г.В.Железняков, А.В.Караушев, В.Кнороз, Н.В.Гришанин, К.И.Россинский, Н.А.Михайлов, Ц.Е.Мирцхулава, Ю.А.Ибадзаде, Х.Ш.Шапиро, В.С.Лапшенков, Х.А.Ирмуҳамедов, Б.Е.Тузов, М.Р.Бакиев, А.М.Арифжанов, А.Шильдс, Р.Бэгнольд, Ван-Рейн, Ackers-White, Meyer-Peter, Г.Эйнштейн, П.Томсон ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Республикамиз очиқ каналларда оқизиқларни транспорт қилиш қобилияти бўйича анчагина илмий ютуқларга эришилган. Деформацияланадиган сув ўзанларининг гидравлик ҳисоблари бўйича С.Х.Абалъянц, В.С.Алтунин, Ц.Е.Мирцхулава, Е.К.Рабкова, Н.А.Ржаницын, А.М.Мухамедов, К.Ш.Латипов, Р.М.Каримов, Э.Ж.Махмудов, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров, С.С.Эшев, А.М.Фатхуллаев Х.Х.Исаков, Х.Х.Ишанов ва бошқа олимларнинг ишлари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда улардан бир қатор лойиҳаларда кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамида грунтли ирригацион каналларнинг деформациялари бўйича қатор бажарилган тадқиқотлар мавжуд, лекин улар ўзаннинг деформациясига таъсир қиласдиған ҳамма омилларни тўлиқ қамраб олмаган. Очиқ грунтли каналлардаги оқимнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар транспорти ҳисоб усусларини такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти илмий-

тадқиқот ишлари режасининг 5/2016 - “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларининг илмий-техник масалалари ечимининг самарасини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқариш” (2016-2019 й.й.) ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 56/19 “Сув хўжалиги объектларини лойиҳалашда такомиллашган ҳисобларни қўллаш” хўжалик шартномаси мавзуларидағи лойиҳалар доирасида бажарилган (2019-2020)

**Тадқиқотнинг мақсади** деформацияланадиган грунтли каналларда оқимнинг критик тезликларини ва оқизиқлар сарфини ҳисоблаш усувларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ўзанлардаги оқимнинг критик (ювмаслик) тезликлари ва оқизиқлар сарфини аниқлашнинг мавжуд бўлган ҳисоб усувлари таҳлили;

ён томон ётқизилишининг ҳар хил қиялиқ коэффициентларида каналлардаги оқимнинг ювмаслик тезликларини ва оқизиқлар сарфларини лаборатория шароитида тадқиқотлаш;

боғланмаган грунтли каналларда оқимнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар сарфларини гидравлик моделини такомиллаштириш;

боғланмаган грунтли каналларда оқимнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар сарфларини ҳисоб усувларини такомиллаштириш;

боғланмаган грунтли каналларда оқим ювмаслик тезликлари, туб ости ва муаллақ оқизиқларнинг сарфларини ҳисоблари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё вилояти худудидаги “Карши магистрал” ва “Миришкор” каналлари қабул қилинди.

**Тадқиқот предметини** сув оқимининг кинематик характеристикаси, боғланмаган грунтли каналлардаги сув оқимининг ювмаслик тезликлари, туб ости ва муаллақ оқизиқлар ҳаракати ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усувлари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал тадқиқот натижаларини статистик усули, оқимнинг ҳаракатини ифодаловчи гидродинамиканинг тенгламаларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

боғланмаган грунтли каналлarda оқимнинг ювмаслик тезликларini ҳисоблаш усули қиялиқ коэффициентининг ҳар хил қийматларини инобатга олиб такомиллаштирилган;

каналларда ўзан туби оқизиқлар сарфини ҳисоблаш усули қиялиқ коэффициентининг ҳар хил қийматларини инобатга олиб такомиллаштирилган;

каналларда қиялиқ коэффициентини ўзгарувчанлигини инобатга олиб муаллақ оқизиқлар сарфини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

оқимнинг критик тезликлари ва оқизиқ сарфларини ҳисобга олиб боғланмаган грунтли каналларнинг морфологик боғланишларини аниқлаш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**  
ён томон қиялиқ коэффициентларини инобатга олган ҳолда боғланмаган грунтли каналлар сув оқимининг ювмаслик тезликларини аниқлаш учун ҳисоб усули ишлаб чиқилган;  
боғланмаган грунтли каналларнинг ён томон қиялиқ коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда туб ости ва муаллақ оқизиқлар сарфларини аниқлашнинг гидравлик модели такомиллаштирилган;  
ён томон қиялиқ коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда боғланмаган грунтли каналларнинг оқимидағи муаллақ оқизиқлар концентрациясини аниқлаш учун боғланиш олинган;  
боғланмаган грунтли каналларнинг ён томон қиялиқ коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда сув оқимининг ювмаслик тезликларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синовдан ўтган математик усуллар ва физиканинг умум қабул қилинган қонунларидан фойдаланилганлиги; деформацияларни ҳисоблаш бўйича тавсия этилган услубларнинг лаборатория ва дала шароитида олинган маълумотлар билан мос келганлиги; ҳисобланган маълумотларнинг бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра таққосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ён томон қиялиқ коэффициентлари хар хил бўлган боғланмаган грунтли каналлар сув оқимларининг критик тезликларини, туб ости ва муаллақ оқизиқларнинг сарфини аниқлашни ҳамда муаллақ оқизиқлар концентрациясини аниқлашнинг ҳисоб усулларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти боғланмаган грунтли каналларнинг гидравлик самарадорлиги ва эксплуатацион ишончлилигини таъминлашда, содир бўладиган деформацияларнинг камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилганлиги, сув ўtkазиш имкониятининг ортишига, лойқалиги, ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш ва эксплуатацион харажатларни камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Боғланмаган грунтли каналларда оқим ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар сарфларининг ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

боғланмаган грунтли каналларда оқимнинг ювмаслик тезликларини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Миришкор каналида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 августдаги

04/20-2466-сон маълумотномаси). Натижада каналнинг сув ўтказиш қобилияти оқизиклар транспорти ҳисоби усулларининг кўлланиши асосида 5-6 % га ошириш имкони яратилган;

грунтли каналларда ўзан туби оқизиклар сарфини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Миришкор каналида жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 августдаги 04/20-2466-сон маълумотномаси). Натижада каналларда лойқа босиш жараёнини баҳолашга имкон берган.

оқимнинг критик тезликлари ва оқизик сарфларини ҳисобга олиб боғланмаган грунтли каналларнинг морфологик боғланишларини Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “Гидропроект” АЖ ва “УЗГИП” АЖ лойиҳалаш институтларида каналларни лойиҳалашда фойдаланилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 26 августдаги 04/20-2466-сон маълумотномаси). Лойиҳалаш ишлари натижасида каналларнинг деформацион жараёнларининг камайишига ва фойдаланиш самарадорлигининг 10-15% га ошириш имконияти яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг аппробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари ҳалқаро, республика ва институт миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 2 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан 2 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган. Шунингдек, 3 та мақола Skopus базасидаги журналларда, 2 та мақола юқори импакт факторли журналларда чоп этилган ва ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган.

**Тадқиқот ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бажарилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий зарурияти баён этилган. Шунингдек, натижаларининг жорий

қилиниши, ишнинг аprobацияси ва нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Каналлардаги оқимнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар транспорти ҳисоб усулларини таҳлили” деб номланган биринчи бобида очик ўзан умумий деформацияларини ўрганиш бўйича олимларнинг назарий ва амалий ишларининг аналитик таҳлили келтирилган.

Диссертацияда очик грунти каналларни мавжуд классификациялари ва уларни лойиҳалаш бўйича асосий талаблар ва уларни амалиётда фойдаланиш имкониятлари баён этилган.

Хозирги вақтда очик каналларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш учун қатор усуллардан фойдаланилади: жумладан оқим ювмаслик тезликлари ва туб остидаги грунт заррачаларини чиқарувчи (тангенциал кучланишлар) кучлар. Алоҳида боғланмаган грунтларда канал ўзанидаги жараёнларни баҳолашда оқизиқларнинг муаллақ ва туб чўкиндиларни инобатга олиш

Бу йўналишлар бўйича бир қатор ишланмалар бўлишига қарамай, оқим ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар транспортини ифодаловчи қатор омилларни инобатга оладиган ҳисоб усулларини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади. Соҳа буйича бажарилган тадқиқот таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертациянинг “Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш услублари ва қурилмалари” деб номланган иккинчи бобида лаборатория қурилмаларининг тузилиши, экспериментал тадқиқотларнинг ўтказиш кетма-кетлиги ва олинган маълумотларни қайта ишлаш услублари келтирилган.

Лаборатория тадқиқотлари Қарши мұхандислик иқтисодиёти институтининг лабораториясида ўтказилган.


Экспериментал тадқиқотлар ён томон қияликлари ҳар хил бўлган боғланмаган грунти трапецеидаль каналлардаги оқимнинг ювмаслик тезликларини, туб ости ва муаллақ оқизиқларини ҳамда оқизиқлар концентрациясини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Бу бобда тадқиқотланаётган жараённинг гидравлик моделлаштириш усули ифодаланган. Каналдаги текис ҳаракатни моделлаштириш жараёни оғирлик (Фруд сони) ва ишқаланиш (Рейнольдс сони) кучларини моделлаштирилишини таъминлайдиган ( $Fr = idem; C = idem; i = idem$ ) уч шартни қаноатлантирилишидан келиб чиқади.

Сув оқимининг ювилиш тезликларини ўрнатишнинг эксперименталь тадқиқотлари металли гидравлик лотокда ўтказилди. Бу лоток ичидаги (1,2 расмлар) қўйидаги ўлчамларга эга бўлган (15) ёғочдан ясалган трапецеидаль каналнинг модели ясалди: узунлиги - 11,5 м; туб эни - 0,15 м; ён томон қияликлари – 2,0; 2,5; 3,0; 3,5.

Канал моделининг туви ( $0,15 \times 0,15 \times 0,10$  м) ва ён томон қияликларида ( $0,33 \times 0,15 \times 0,10$ ) тажриба ўтказиладиган грунт тўлдирилган металл қутиларни жойлаштириш учун маҳсус тирқишилар қолдирилди. Бу моделда каналнинг туви ва турли ён томон қияликларида сув оқимининг ювмаслик тезликларини

Үрнатиш учун бир қатор тажрибалар олиб борилди (2-расм) ва бунда грунт сиртининг 2 мм қалинликдаги қатлами түлиқ ювилса, тажриба тутатилган деб хисобланди (3-расм).



**1-расм. Гидравлик лотокнинг схемаси:**

1-лоток; 2-лотокнинг бош қисми; 3-пастки резервуар; 4-юқори резервуар; 5-сув олиб келувчи құвур; 6-напорли құвур; 7-сув ташловчи құвурлар; 8-чамбарак; 9-терилған тош; 10-оқизиқтар тушадиган жойи; 11-затвор; 12-металл релслар; 13-аравача; 14-насослар; 15-махтадан ясалған трапецеидаль каналнинг модели; 16- грунт намунаси солинадиган металл құтилар;



**2-расм. Трапецеидаль каналнинг модели:**  
1 – ёғоч канал; 2 – металл құтилар



**3-расм. Бөгланмаган грунтнинг ювилиши**

Оқимнинг чуқурлиги лазерли сув ўлчагич ва шпитценмасштаб, оқимнинг вертикал тезликлари сув тезлигини ўлчайдиган “ИСВ 01” микровертушка ёрдамида ўлчанди.

Трапецеидаль каналларда оқизиқлар транспорти бўйича экспериментал тадқиқотлар гидравлик лотокда ўтказилди. Бу муаммони ўрганиш учун ён томони қияликлари  $m = 2; 2,5; 3; 3,5$  бўлган боғланмаган грунтли каналлар моделларида тажрибалар ўтказилди. Боғланмаган грунтли каналлардаги туб ости ва муаллақ оқизиқларнинг транспортини ўрганиш мақсадида бир неча тажрибалар ўтказилди.

Турли ён томон қиялиқдаги каналларнинг модели лоток устида юрадиган аравачага бириктирилган металл “планировщик” ёрдамида амалга оширилди (4-расм). Канал моделининг охирида оқизиқларни тутиб қоладиган махсус ховузча ясалган.

Сув оқимида лойқани ҳосил қилиш учун канал моделидан олдинда махсус қурилма, яъни майда грунтни оқимга лойқалатиб берувчи қурилма жойлаштирилди (5-расм).

Туб ости оқизиқларини аниқлаш бўйича лаборатория тадқиқотларини ўтказиш мобайнида, бир вақтнинг ўзида оқим лойқалиги ҳам тадқиқотланди.

Қашқадарё вилоятидаги “Миришкор” каналининг сув ўтказиш қобилиятига юқорида кўрсатилган омилларнинг таъсирини баҳолаш мақсадида дала шароитида, яъни Миришкор каналининг ПК 245 ва ПК 720 участкаларида тадқиқотлар олиб борилди.



**4-расм. Боғланмаган грунтли трапецеидаль канал модели**



**5-расм. Оқимни лойқалатгич қурилма.**

Муаллақ оқизиқлар лойқалигини ўлчашда ГР-16 штангасида ўрнатиладиган батометр-бутилка ва Молчанов батометрларидан фойдаланилди. Тезлик вертикалларининг белгиланган нуқталарида ( $0,2h$  ва  $0,8h$ ) чуқурликда батометр ёрдамида лойқа сувнинг намунаси олинди.

Канал трассаси асосан қумли грунта ётади. ПК 245 (6-расм) ва ПК 720 (7-расм) пикетларидан олинган қумли грунт намуналарининг фракцион таркиби Қашқадарё вилоят қурилишда регионал текшириш инспекциясининг синаш лабораториясида аниқланди.

Ювилишга нисбатан грунт заррачаларининг мустаҳкамлигига оқимдаги майда заррачалар ва коллоид заррачаларнинг бўлиши анча таъсир қиласи.


Маълумки, оқимдаги майда заррачалар туб ости кольматациясига олиб келади ва бу ҳолат туб ости грунт заррачаларининг бир-бирига нисбатан боғланишини содир этади, бунинг натижасида улар катта тезликларда ювиладилар.

### 1-жадвал


#### Миришкор каналининг лойқалигини тадқиқотлаш бўйича олинган маълумотлар (2018 й., июль)

№	Намуна олинган жойи	$h, \text{м}$	Лойқалик, г/л		
			Ўнг қирғоқ	Марказ	Чап қирғоқ
1	ПК 657+50 КМК бош қисмида	0,72	1,021	1,036	1,025
		1,46	1,018	1,032	1,021
		2,20	1,016	1,031	1,019
		2,93	1,012	1,026	1,015
		3,66	1,009	1,024	1,017
2	ПК 245	0,74	1,011	1,014	1,012
		1,49	1,007	1,012	1,011
		2,32	1,005	1,009	1,011
		2,98	1,002	1,009	1,009
		3,72	1,002	1,007	1,009
3	ПК 720	0,68	1,010	1,016	0,985
		1,36	1,007	1,014	0,979
		2,04	1,005	1,011	0,972
		2,72	1,003	1,009	0,969
		3,4	1,002	1,008	0,965

Натурада ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлилига кўра йиллар давомида сарфнинг ўзгарувчанлиги биринчи навбатда деформацион жараёнларининг фаоллашувига олиб келадиган канал турли гидравлик параметрларининг бўлишида содир бўлади (6-7-расмлар).



6-расм. Миришкор каналнинг ПК 245 пикетидаги кўндаланг кесими.



7-расм. Миришкор каналнинг ПК 720 пикетидаги кўндаланг кесими.

Диссертациянинг “Боғланмаган грунтли каналлардаги оқимнинг ювмаслик ва оқизиқлар сарфларини ҳисоблаш усулларини тақомиллаштириш” номли учинчи бобида стационар оқимнинг грунтли канал деформацияларига таъсирини баҳолаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқот натижаларининг таҳлили келтирилган.

Бир жинсли боғланмаган грунтлардаги оқимнинг ювмаслик тезликларини ҳисоби учун грунт заррачаларининг таҳлилига асосланган Ц.Е.Мирцхулава ишланмалари асос қилиб олинди.

Лаборатория шароитларидаги тадқиқотларда боғланмаган грунт сифатида диамерлари  $d \leq 0,315\text{мм}$ ;  $0,315 < d \leq 0,63\text{мм}$ ;  $0,63 < d \leq 1,25\text{мм}$ ;  $1,25 < d \leq 2,5\text{ мм}$ ;  $2,5 < d \leq 5,0\text{ мм}$  бўлган қумлар ишлатилди.

Оқимнинг ювиш тезлиги аниқланиб ҳамда


$$\vartheta_p = \sqrt{2}\vartheta_h \quad (1)$$

эканлигини инобатга олиб, бундан оқим ювмаслик тезлиги ҳисобланди:

$$\vartheta_h = \frac{\vartheta_p}{\sqrt{2}} \quad (2)$$

бу ерда:  $\vartheta_p$ -каналдаги ювилиш тезлиги;  $\vartheta_h$ -каналдаги ювилмайдиган тезлик.

Тажрибалардан моделда ишлатиладиган грунтнинг ўртача диаметри кичиклашиши билан оқимнинг ювмаслик тезликлари қийматларининг ҳам камайиши кузатилди (8-расм).




**8-расм.** Канал туб ости ва ён томон қияликларидағи оқимнинг ювмаслик тезликлари билан боғланмаган грунт заррачаларининг ўлчамларини боғланиш графиклари.

8-расмда курилган графиклар бир-биридан ён томон қиялиқларининг ҳар хиллиги билан фарқланади.

Тажриба маълумотларининг натижаларига қўра оқим чуқурлиги бўйича тезлик тақсимланишининг эпюраси қурилган (9-расм).

Эпюралардан оқимнинг турли режимларида оқим чуқурлиги бўйича тезлик ўзгариши характерининг сақланиши қўринади. Ҳамма экспериментларда ўзаннинг туб остида оқим ювмаслик тезлигининг кичик қийматлари кузатилди. Оқим сиртининг  $0,6h$  чуқурлигига сув ҳаракати тезлигининг катта қийматлари кузатилди.



**9-расм. Сув оқимининг чуқурлиги бўйича тезликнинг тақсимланиши**

Ўтказилган тажрибаларда канал кенглиги бўйича  $\vartheta$  тезлик ва  $\tau$  уринма кучланишларнинг энг катта ўзгаришлари шакл чизилишидаги тез ўзгарувчан зоналарда, яъни туб ости ва ён томон қиялиги туташган бурчакли зонада ва эркин сатҳ билан қирғоқ туташган зоналарда кузатилди.

Экспериментал тадқиқот маълумотларини қайта ишлаб, ўтказилган тадқиқот шароитларида, яъни турли ён томон қияликларда ётқизилган каналлар учун қуйидаги коэффициентлар аниқланди:

$$\left. \begin{array}{lll} m=0 & \text{бўлганда} & K_0 = 0,93 \\ m=2 & \text{бўлганда} & K = 0,76; \\ m=2,5 & \text{бўлганда} & K = 0,78; \\ m=3,0 & \text{бўлганда} & K = 0,83; \\ m=3,5 & \text{бўлганда} & K = 0,88; \end{array} \right\} \quad (3)$$

бу ерда:  $K_0$  ва  $K$ - мос равища канал туби ва ён томон қияликларини хисобга олувчи коэффициентлар.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра канал туби учун ( $m=0$  бўлганда)  $K_0$  коэффициентнинг ўртача қиймати  $K_0 = 0,93$  тенг эканлиги топилди ва уни кейинги ўринларда  $K_0 = 0,93$  деб қабул қилиш мумкин.

Бу йўналишдаги изланишларни ривожлантириб, канал қиялиги коэффициентларининг ўзгаришини трапеция каналидаги ювилмаслик жараёнларига таъсирини инобатга олиб қуидаги ифодалар тавсия этилди:

туб ости учун:

$$g_{adm} = K_0 \left( \lg \frac{8,8h}{d_m} \right) \sqrt{\frac{\gamma_c [g(\rho - \rho_\omega) d_m + 2C_{yn} k_c]}{0,22 \rho_\omega \gamma_g}}; \quad (4)$$

$$g_{\Delta adm} = 1,25 K_0 \sqrt{\frac{\gamma_c [g(\rho - \rho_\omega) d_m + 2C_{yn} k_c]}{0,22 \rho_\omega \gamma_g}}; \quad (5)$$

турли ён томон қияликлари учун

$$g_{adm} = K \left( \lg \frac{8,8h}{d_m} \right) \sqrt{\frac{\gamma_c [g(\rho - \rho_\omega) d_m + 2C_{yn} k_c]}{0,22 \rho_\omega \gamma_g}}; \quad (6)$$

$$g_{\Delta adm} = 1,25 K \sqrt{\frac{\gamma_c [g(\rho - \rho_\omega) d_m + 2C_{yn} k_c]}{0,22 \rho_\omega \gamma_g}}; \quad (7)$$

Олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили асосида  $K / K_0$  ва ўзан параметрлари  $B / \chi$  нисбатлар ўртасида қуидаги боғланиш мавжудлиги аниқланди:

$$\frac{K}{K_0} = f\left(\frac{B}{\chi}\right),$$

бу ерда:  $B$  - ўзан сув сатҳи эни;  $\chi$  - намланиш периметри.

Олинган тажриба натижалари математик статистика услубларидан фойдаланиб таҳлил этилди (Корреляция коэффициенти  $R^2 = 0,96x^{0,25}$ ) ва натижада қуидаги ифода ҳосил қилинди:


$$\frac{K}{K_0} = 0,96 \left( \frac{B}{\chi} \right)^{0,25} \quad (8)$$

Таҳлил натижаларидан (10-расм)  $K / K_0$  нисбатнинг ортиши билан  $B / \chi$  нисбатнинг ҳам ортиши кўзатилди.


Такомиллашибирлигтан (4) формулага кўра ҳисобланган оқим ювилмаслик тезликларининг қийматларини бир қатор бошқа муаллифлар формулалари бўйича ҳисобланган қийматлар билан тақослаш қониқарли натижаларни берди.

(4, 5, 6, 7) формулалар бүйича хисобланган оқим ювмаслик тезликларининг қийматлари тажрибада олинган маълумотларнинг қийматлари билан қониқарли натижаларни, яъни улар ўртасидаги фарқлар 10-15 % ни кўрсатади (11-расм).

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида боғланмаган грунтли трапецеидаль каналлардаги оқизиқларнинг транспорт қилиш жараёнини ўрганиш қараб чиқилди. Оқимнинг транспорт қилиш ҳисоби учун умумий оқизиқларни тубости ва муаллақ оқизиқларга ажратилади.



10-расм.  $\frac{K}{K_0} = f\left(\frac{B}{\chi}\right)$  боғланиш графиги



11-расм. Экспериментал тажриба маълумотларининг (4, 5, 6, 7) формулалар билан хисобланган қийматларининг таққосланиши

Оқизиқлар транспортини ҳисоби учун Ван-Рейн усули танланди, бу усул анча самарали ва текширилган бўлиб саналгани учун ҳисоб усулининг асоси сифатида қабул қилинди. Оқизиқлар сарфини аниқлаш боғланиши жуда кенг канал шароитлари учун олинган. Бу усулни оқим гидравликасига анча таъсир этадиган трапецеидаль канал шароитлари учун ҳам қўллаш мумкин.

Юқоридагиларни назарда тутиб, ён томон қияликлари  $m=2; 2,5; 3,0; 3,5$  бўлган трапецеидаль канал шароитларида Ван-Рейн методи асосида туб ости оқизиқлар транспортининг ҳисоб усулини такомиллаштириш масаласи қараб чиқилди.

Трапецеидаль каналлардаги оқимнинг транспорт қилиш жараёнига канал сув сатхининг энини намланиш периметрига нисбати  $\chi/B$  таъсир кўрсатади деб қаралди. Унда трапецеидаль канал ён томонининг қиялиги ҳисобга олинади.

Олинган экспериментал маълумотларни қайта ишлаш жараёнида туб ости оқизиқлар ҳисоби учун  $\chi/B$  нисбатни ҳисобга олиш зарурияти тўғрисидаги фараз тўғри эканлиги исботланди.

$\chi/B$  нисбатни инобатга олиб, трапецеидаль канал шароитларида солиштирма туб ости оқизиқларни аниқлаш учун қўйидаги боғланиш олинди:

$$q_{my\delta} = 0,053 \chi / B [(S - 1)g]^{0,5} d_{\delta p}^{1,5} T^{2,1} / D_*^{0,3}. \quad (9)$$

бу ерда:  $S$  – оқизиқларнинг нисбий зичлиги ( $\rho_c / \rho_e$ );  $g$  - эркин тушиш тезланиши,  $m/c^2$ ;  $v$ -кинематик қовушоқлик коэффициенти,  $m^2/c$ ;

$$D_* = d_{cp} \left[ \frac{(S - 1)g}{v^2} \right]^{1/3} \quad (10)$$

$$T = \frac{(u'_*)^2 - (u'_{*kp})^2}{(u'_{*kp})^2}, \quad (11)$$

бу ерда:  $u'_*$  - боғланмаган ғадир-будирлик динамик тезлиги;  $u'_{*kp}$  - Шильдс графиги бўйича аниқланадиган оқизиқлар ҳаракатининг бошланиши динамик тезлиги.

(9) формула бўйича ҳисобланган қийматларнинг экспериментал маълумотлар, Ван-Рейн, Хансен ва Аккерс-Уайт формулаларга кўра ҳисобланган қийматларнинг такқосланиши улар ўртасидаги яқинликни кўрсатди ва ишончли натижаларни берди (12-расм).

Ўзан оқимларида музаллақ оқизиқлар сарфини аниқлаш бўйича кўп катор боғланишлар орасида Ван-Рейн боғланиши ўзига хос ўринга эга.





Ван-Рейннинг мualлақ оқизиқларни аниқлаш формуласи қуйидаги күришишга эга:

$$q_{myal} = F u_{\bar{y}p} h_{\bar{y}p} C_a \quad (12)$$

бу ерда:  $C_a$  - мualлақ оқизиқлар концентрацияси;  $F$  - мualлақ оқизиқлар транспорти параметри, бунда:

$$F = \frac{\left(\frac{a}{h_{\bar{y}p}}\right) - \left(\frac{a}{h_{\bar{y}p}}\right)^{1,2}}{\left(1 - \frac{a}{h_{\bar{y}p}}\right)^z} ; \quad z' = \frac{w_{myal}}{\beta \aleph u_*} + \varphi \quad (13)$$

бу ерда:  $\aleph$ - карман домийси;  $u_*$  - динамик тезлик;  $a$  -хисобий сатх.  $z$  -мualлақлык параметри.



**12-расм. (9) формулага кўра ҳисобланган қийматларнинг қуйидаги мualлифларнинг формулалари бўйича ҳисобланган қийматлари билан таққослаш:**

● -Van-Reyn      ♦ - Akkerse-Yait      ▲ - Энгелунд-Хансен

Муаллақ оқизиқлар сарфига оқим лойқалигининг таъсирини аниклаштириш мақсадида лаборатория ва натураларда тажрибалар ўтказилди, уларнинг ўтказиш услублари диссертациянинг 2-бобида батафсил баён этилган.

Тўғри бурчакли металл лоток ичида ён томон қияликлари  $m=2,0; 2,5; 3,0; 3,5$  бўлган қумли ( $d = 0,67...2.0 \text{ mm}$ ) трапецея канали моделининг белгиланган створ чуқурликлари нуқталаридан лойқалик намуналари олинди.

Солишириш натижаси лаборатория маълумотларининг мавжуд формулалари бўйича ҳисобланган қийматлардан катта эканлигини кўрсатди. Бунинг сабаби, Ван-Рейн тажрибалари тўғри бурчакли кенг ўзанларда ўтказилган, тажрибаларда эса трапецея шаклдаги каналларда ўтказилган. Трапецея каналларнинг гидравликаси тўғри бурчакли каналлардагидан анча фарқ қиласди.

Буни назарда тутиб, туб ости оқизиқлар сарфини аниклашдагидек, муаллақ оқизиқлар концетрациясига ҳам  $\chi / B$  нисбатни ҳисобга олиш керак экан. Ван-Рейн муаллақ оқизиқлар концентрациясини аниклайдиган боғланишга ушбу нисбатни киритиб ва у қуидаги кўринишда ёзилади:


$$C_a = 0,015 \chi / B \frac{d_{50}}{a} \frac{T^{1,5}}{D_*^{0,3}} \quad (14)$$

бу ерда:  $T$ -ўлчамсиз коэффициент сувнинг динамик тезликлари бўйича;  $D_*$ - ўлчамсиз коэффициент қаттиқ заррачалар учун.

Тавсия этилган (14) формула бўйича ҳисобланган қийматлар билан лаборатория тажриба маълумотлари ва Ван-Рейн формуласи қийматларининг солиширилиши ишончли натижаларни кўрсатди (13-расм).

Диссертациянинг **“Боғланмаган грунтли трапецеидаль каналларнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлари транспортини ҳисоблариiga доир тавсиялар”** номли тўртинчи бобида назарий ва экспериментал жиҳатдан асосланган ҳисобий усулларни яратиш мақсадида ҳосил қилинган боғланишларнинг умумлаштирилиши келтирилган. Олинган тадқиқот натижалари “Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси“ тизимидағи “Миришкор” магистрал каналида жорий этилди.

Боғланмаган грунтли трапецеидаль каналлардаги оқимнинг ювмаслик тезликлари, оқизиқлар сарфи ва оқизиқлар концентрацияларининг такомиллашган ҳисоб усуллари таклиф этилган. Бу юқорида келтирилган такомиллашган ҳисоблаш усуллари асосидан тавсиялар ишлаб чиқилган.



**13-расм. Тавсия этилган формуланинг қиёсий таҳлили**

Диссертацияда олдинги бобларда хосил қилинган боғланишларни муаллифнинг назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари билан тасдиқланган ҳамда ҳисоб алгоритмларини ўзига мужассам этган такомиллашган ҳисоб усулларини тавсия қилиш мақсадиди келтирилган.

Ҳисобнинг ҳамма схемалари нисбий эни  $(B/h) < 10$  бўлган трапецеидал каналлар учун ўринли бўлади.

## ХУЛОСА

“Боғланмаган грунтли каналларда критик тезликлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги хulosалар тақдим этилди.

1. Олиб борилган назарий ва экспреминтал тадқиқотлар таҳлилидан каналлар қиялигининг ўзан морфометрик кўрсатгичларига таъсири мавжудлиги аниқланди. Турли тезликларда лойиҳаланиладиган каналларда ўзан ён томони қияликларида тезлик ва тангенциал кучланишларнинг тақсимланишини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эканлиги асосланди.

2. Боғланмаган грунтли каналлардаги сув оқимининг ювмаслик тезликлари учун Ц.Е.Мирцхулаванинг ҳисобий боғланишлари ҳар хил қиялик коэффициентларини ҳисобга олиб такомиллаштирилган.

3. Боғланмаган грунтли каналларнинг ҳар хил қиялик коэффициентларида оқизиқ транспорти бўйича ўтказилган лаборатория тадқиқотлари натижасида туб ости оқизикларнинг сарфини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган

4. Боғланмаган грунтли каналларнинг ҳар хил қиялик коэффициентларида лаборатория ва дала шароитидаги тадқиқотлар натижасида муаллақ оқизикларнинг сарфини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган.

5. Оқимнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар транспорти бўйича бажарилган тахлил ва эксперимент натижаларини қайта ишлаш асосида канал ишончли иш режимини таъминлайдиган морфометрик боғланишлар олинган

6. Ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари, олинган боғланишлар асосида боғланмаган грунтли трапецеидаль каналлардаги оқим ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар транспортининг ҳисоблаш усули такомиллаштирилди. Бу эса каналларнинг деформацияларини прогнозлаш имконини берди.

7. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида боғланмаган грунтли каналлардаги оқимнинг ювмаслик тезликлари ва оқизиқлар гидравлик ҳисоблари бўйича тавсиялар Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли каналларда фойдаланишга топширилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЛАТИПОВ ШАХБОЗ АЛИШЕР УГЛИ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАСЧЕТА КРИТИЧЕСКИХ СКОРОСТЕЙ  
КАНАЛОВ В НЕСВЯЗНЫХ ГРУНТАХ**

**05.09.07- Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/T1688

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (речом)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

Научный руководитель:

Эшев Собир Саматович

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махмудов Илхомжон Эризарович

доктор технических наук, профессор

Шаазизов Фаррух Шоакбарович

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский Архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «8 января 2021 г 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий д.39  
Тел: (+99871)-237-19-61, 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79. e-mail: admin@tiame.uz

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано №53). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязий д.39. Тел. (+99871)-237-19-45  
e-mail: admin@tiame.uz

Автореферат диссертации разослан  
(протокол рассылки № 2 от «12 января 2020 года)



Т.З.Султанов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н. профессор

А.А.Янгиев

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Р.Базаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире одним из критериев оценки качества воды, забираемой из речных гидроузлов для использования в различных отраслях экономики, является количество донных наносов, впадаемых в канал. Несмотря на имеющиеся в большом количестве научных исследований по рассматриваемой проблеме, в настоящее время большое значение придается движению наносов в открытых руслах, исследованиям кинематических и динамических их параметров. Особое внимание уделяется совершенствованию способов расчета расхода наносов и неразмывающей скорости потока в необлицованных проектируемых и эксплуатируемых каналах. В этой связи в США, Германии, Нидерландах, Франции, России, Китае, Узбекистане и других странах особое внимание уделяется разработке эффективных методов расчета проектирования, строительства и надежной эксплуатации грунтовых каналов с учетом различных факторов, приводящих к возникновению поперечных и продольных деформаций.

Особое внимание в мире уделяется целенаправленным научно-исследовательским работам, направленным на изучение деформации грунтовых каналов и предотвращению этих негативных последствий. В этой связи, на сегодняшний день, одной из проблемных задач является разработка новых методов и технологий повышения транспортирующей способности водного потока в деформируемых каналах, учет различных факторов, влияющих на деформацию русла.

В настоящее время в республике ведутся обширные мероприятия по проектированию и эффективной эксплуатации ирригационных грунтовых каналов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены задачи в том числе, “развитие мелиорации и ирригационных объектов, для повышения конкурентоспособности национальной экономики”.<sup>2</sup> Решение данных задач, в период дефицита, в том числе одной важных задач является проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку рациональных методов проектирования и эффективной эксплуатации, на основе учета водных ресурсов возникающих повреждений, отказов и аварий, а также напряженно-деформационных процессов в работе гидротехнических сооружений грунтовых ирригационных систем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № 4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” и Постановлении Президента от 25 сентября 2017 года № ПП-3286 “О мерах по дальнейшему

---

<sup>2</sup> 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони

совершенствованию системы охраны водных объектов” и № ПП-3405 от 27 ноября 2017 г. “О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на 2018-2019 годы”, Постановлении Кабинета Министров от 21 января 2014 года № 13 “Об утверждении Программы по стабилизированному и безопасному пропуску вод по водотокам Республики Узбекистан на 2014-2015 годы и на перспективу до 2020 года” и других нормативно-правовых документов, имеющих отношение к данной деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии республики (V.) «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Исследования, посвященные деформационным процессам, возникающим в русле открытых водотоков, рассмотрены в работах ряда ученых. Теоретическими и экспериментальными исследованиями русловых процессов занимались С.Х.Абальянц, С.Т.Алтунин, И.И.Леви, М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, И.В.Егизаров, И.Ф.Карасев, В.М.Маккавеев, Г.И.Шамов, А.Н.Гостунский, Н.А.Ржаницын, Г.В.Железняков, А.В.Караушев, В.Кнороз, Н.В.Гришанин, К.И.Россинский, Н.А.Михайлов, Аккерс-Уайт, Ц.Е.Мирцхулава, Ю.А.Ибадзаде, Х.Ш.Шапиро, В.С.Лапшенков, Х.А.Ирмухамедов, Б.Е.Тузов, М.Р.Бакиев, А.М.Арифжанов, А.Шильдс, Р.Бэгнольд, Ван-Рейн, Мейер-Петер, Г.Эйнштейн, П.Томсон и др.

